

Навоий вилояти



Кичик муаммоларни «КАТТАЛАР» кўрмайди...ми?

Навбахор тумани, «Ялтиробод» МФЙда истиқомат қилувчи Каромат Наврўзова туғма ногирон бўлса-да, шу давргача ногиронлик нафақаси олмаган. Ҳозир у пенсия ёшида. Лекин ёшга доир нафақадан ҳам дарак йўқ. Тегишли мутасаддиларга бир неча марта мурожаат қилган. Аммо... шу пайтгача унинг дардига қулоқ соладиган одам топилмаган...

Яқинда Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича Республика ишчи гуруҳининг амалий ёрдами билан Каромат Наврўзованинг муаммоси ижобий ҳал этиладиган бўлди.

Ишчи гуруҳ аъзолари шу маҳаллада яшовчи Ҳафиза Ҳасанова хонадонига ҳам ташриф буюрди. Аёлни 2003 йилда туғилган қизи Иқболбой Ёрқулова 2-гуруҳ ногирони. Юришга қийналади. Шу боис, айна пайтда ўқишга бормаяпти. Фарзандини даволатишга эса ота-онанинг имкони йўқ...

Мазкур оиланинг муаммосига ҳам ечим топилди. Нилуфар Зиёдова 38 ёшга кирибди ҳамки, ҳалигача фуқаролик паспортини олмаган. Сабаби оддий – туғилганлик гувоҳномаси йўқ. Беш ойлик қизчасининг ҳам ҳеч қандай ҳужжати йўқ. Турмуш ўртоғи ишсиз. Оиланинг асосий даромади ёлланма ишчилликдан. Ишчи гуруҳ аралашуви билан уларнинг нияти амалга ошадиган бўлди.

«Совунгар» МФЙда яшовчи Шахло Муҳиддинова ҳам ёрдамга муҳтож. Вояга етмаган беш нафар фарзанди бор. Турмуш ўртоғининг ногиронлиги етмагандек, икки нафар фарзанди ҳам шундай дардга мубтало.

Бир қарашда тақдирлар ўхшаш, бири-бириникидан деярли фарқ қилмайди. Лекин шу кичик муаммолар шу жойнинг ўзида ҳал этилмаяпти ёки бу ҳолдан масъуллар, «катталар» бе-хабарми? Муаммоларни «ўрнатилган тартибда кўриб чиқиш» қачонгача аччиқ ичакдек чўзилади?

Ахир, бу масалаларни ижобий ҳал этиш учун кўп вақт ва катта маблағ шарт эмас-ку! Озгина кўп қилинса ва масъулият билан ёндашилса кифоя...

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, вилоятда 1 минг 205 нафар хотин-қиз оғир турмуш шароитида яшамоқда. Оилавий ажримлар сони 942 тани ташкил этади.

Таҳлиллар ажримларга оилавий келишмовчиликлар, фарзандсизлик, хиёнат, узоқ муддат бир оила бўлиб

яшамастик ва иқтисодий муаммолар, ишсизлик сабаб бўлганини кўрсатмоқда.

Ўтказилган назорат тадбирларида ажрим ёқасига келиб қолган 1 минг 109 та оиладан 960 таси яраштирилган.

Охирги пайтларда мамлакатимизда аёллар ўртасида жиноятчиликнинг ортиб бораётгани, айниқса, ачинарлидир. Кунда-кунора ижтимоий тармоқларда қайнонасини, турмуш ўртоғини, фарзандини қотилига айланаётган «аёллар» ҳақида хабарлар тарқалмоқда.

Афсуски, Навоий вилоятида ўтган бир йил давомида аёллар томонидан 239 та жиноят содир этилган бўлиб, шундан 57 таси ёшлар (18-30 ёш) ҳисобига тўғри келади.

2018 йилда аёллар ўртасида ўз жонига суиқасд қилиш ҳолатлари 83 та, 2019 йилда бу кўрсаткич 73 тани ташкил қилган (10 тага камайган).

«Халоват тепа» МФЙда рўйхатда турувчи Наргиза Шодиева ҳам жиноятга қўл урган. Гап шунданки, у бундан бир неча йил илгари тўрт ёшли фарзандини 15 миллион сўмга сотаётган вақт қўлга тушган.

Айтишига қараганда, муҳтожлигидан шу ишга қўл урган ва бундан қаттиқ пушаймон. Айна пайтда унинг фарзанди болалар уйда тарбияланмоқда. Ўзи эса бир нафар қизи билан на деразаси, на эшиги ва на иситиш печкаси бор бир хонали уйда яшамоқда.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, тумандаги хотин-қизларнинг муаммолари билан анча йиллар ҳеч кимнинг иши бўлмаган. Мана, ниҳоят, аниқланган масалаларни бартараф этиш юзасидан манзилли ва мuddатли «Йўл харитаси» ишлаб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, Республика ишчи гуруҳи туфайли кўплаб ёрдамга муҳтож аёлларнинг муаммолари ҳал бўлмоқда.



Гулумжон МИРАҲМЕДОВ, «Ishonch»

Ишчи гуруҳ фаолияти

Бухоро вилояти

Қалбларни нурлантирган ташаббус

Пешку туманидаги «Қучоқ» маҳалласида яшовчи Тожида Бердиева уч йилдирки оғир касалликдан азоб чекади – инсульта чалинган. Боз устига, ёлғиз ўзи ягона фарзанди Марисабени тарбиялаб, вояга етказмоқда.

Таассуфки, хаста онани боқиш, унга қараш, умуман, рўзғор ташвиши 10-синфда ўқиётган қизи зимасида қолган. Марисабе дарсдан бўшади, дегунча онасига қарайди, ҳовлидаги ўн-ўн бешта паррандани боқиб, томорқада у-бу нарсани етиштириб, тикувчилик қилиб, уч-тўрт сўм пул топади. Янада ачинарлиси, қиз волидасини узоқ вақтга ёлғиз қолдиришга ҳам кўрқади. Чунки, аёлни исталган пайтда қон босими кўтарилиши мумкин. Хуллас, хонадондаги умумий аҳвол шу.

Президентимиз ташаббуси билан Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича Касаба уюшмалари Федерацияси мутасаддиларида тузилган Республика Ишчи гуруҳининг галдаги манзили – Бухоро вилоятида аниқланган ҳолатлардан бири айнан шу ночор оила билан боғлиқ.

– Ушбу хонадонда бўлганимизда яна бир жиҳат эътиборимизни тортди, – дейди ишчи гуруҳ аъзоси, Ўзбекистон темир йўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмалари Республика кенгаши бўлим йўриқчиси Шамил Ханиев. – Маҳаллага газ қувури ўтказилган-у, аммо бу ҳовлида мавжуд эмас. Уларига кириб кўрганимизда, томларидан чакка ўтганига, она-бола зах, совуқ жойда яшаётганига амин бўлдик. Газсиз хонадон аъзоларининг ягона нажоти тараша-ю ўтиндан. Энди уларнинг қаҳратон қишини қандай ўтказганини тасаввур қилаверинг.

– Улар келишганида уйимизга нур киргандек бўлди, – дейди Тожида Бердиева. – Қалбим қувончга тўлди. Биз дардимизни ҳали айтишга улгармасимиздан, ўзлари ёрдам берадиган бўлишди. Улар кетгач, кўзим ва қалбим равшан бўлди.

Ишчи гуруҳи аъзолари хонадонга газ қувури ўтказиш ва газ плитаси билан таъминлаш борасида тўхтамади.

Касаба уюшмалари вакиллари ва маҳаллий мутасаддилар кўзи ожиз мурғак боласи парвариши билан банд Шарифа Нурова хонадонига ҳам бўлди. Олти яшар туғма ногирон Широининг кўзидан пардаларни жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш керак. Бунинг учун эса «Саройча» маҳалласида истиқомат қилувчи оила 35 миллион сўм маблағга



муҳтож. Бу оиланинг турар жойи ҳам ҳавас қилгувлик эмас. Мутасаддилар мавжуд аҳволни ўрганиб, ушбу ночор оилага тегишлича моддий ёрдам кўрсатишга қарор қилди.

Ўрганишлар давомида ишчи гуруҳ вакиллари Манғитлар қишлоғида яшаётган Робия буви Султонова хонадонига ҳам бўлишди. Онахон 120 ёшда. У бугун набира ва эваралари билан бир хонадонда истиқомат қиляпти. Аммо уларнинг яшаш шароитлари яхши эмас. Момонинг невараси келини онкологик хасталикка чалинган. Аммо аёлни қўлидан тикиш-бичиш келади. Шунинг учун унга тикув машинаси олиб беришга қарор қилинди. Юз йигирма довонни орда қолдирган онахонни эса тиббий қаравот билан таъминлашга қарор қилинди.

Таъкидлаш лозимки, Пешкуда 37 та маҳалла мавжуд. Ишчи гуруҳи вакиллари мақсади шу маҳаллалардаги 366 та хонадонда яшаётган аёлларнинг муаммоларини чуқур ўрганиш, шу орқали эҳтиёжмандларга мадад қилини чўзишдир. Бу борадаги ўрганишлар давом этмоқда.



Рустам ИБРОҲИМОВ, «Ishonch»



Ҳисобот-сайлов йиғилишлари

Эътиборга яраша эътироф

«Маҳам-Ширчиқ» акциядорлик жамиятида касаба уюшма кўмитасининг ҳисобот-сайлов конференцияси ўтказилди. Унда 2015 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда жамоа шартномаси орқали амалга оширилган ишлар бажарилиши бўйича ҳисобот берилди.

Конференцияда «Маҳам-Ширчиқ» акциядорлик жамиятининг бошқарув раиси Хотам Сайдахмедов, тармоқ Республика кенгаши раиси Мавжуда Халилова иштирок этди.

Эътироф этилдики, касаба уюшма кўмитаси ва иш берувчи ўртасида меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш

борасида тузилган жамоа шартномасига кўра корхонада сўнги йилларда ёш ишчи-ҳодимлар турмуш шароитини яхшилаш ва иш фаолияти давомида қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилган кўламли ортишига эришилди.

Йиғилишда асосий масалалардан бири – корхона касаба уюшмаси раислигига қўйилган номзодлар орасидан делегатларнинг овоз бериш ҳуқуқи орқали сайлов ўтказилди. Кўпчилик овоз билан Б.Абдуллаев номзоди муносиб топилиб, келгуси беш йилга сайланди.

Ҳисобот-сайловда кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Шавкат ТОИРОВ, Кимё ва фармацевтика санвати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Номуҳим масаланинг ўзи йўқ

Агрисаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Гурлан тумани кенгаши тизимидagi «Қарамази-Қиличбой» ирригация тармоқлари бошқармасида 2017-2019 йилларга тузилган жамоа шартномасининг 2019 йилда бажарилиши ҳамда ва 2020-2022 йиллар учун жамоа шартномаси лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Иштирокчилар тақлифларини инobat олган ҳолда янги жамоа шартномаси қабул қилинди. Касаба уюшма кўмитасининг 2015 йил февраль ойидан 2020 йил февраль ойигача олиб борган фаолияти юзасидан ҳисоботи эшитилгач, ирригация тизими бошқармаси техник гидро-

техниги Улуғбек Салаев касаба уюшма кўмитаси раиси этиб қайта сайланди.

Конференцияда Ўзбекистон агрисаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси в.в.б Тўхтамурад Бозо-

ров, Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Шавкат Сапарбоев, Гурлан тумани кенгаши раиси, Маҳмуд Ражапов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномаси асосида олиб борилаётган чора-тадбирларга батафсил тўхталиб, «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун мазмун-моҳияти бўйича тегишли тушунтиришлар берилди.

Мухаббат ТўРАБОВЕВА, «ISHONCH»

Иш кўлами кенгайди

Қашқадарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси касаба уюшма кўмитасининг 2019 йилдаги иш фаолияти, ходимлар манфаатини ифода этишда жамоа шартномаси бандларининг бажарилишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда касаба кўмитаси раиси Аъзам Жумақулов касбий ёнган хавфсизлиги қисмларининг Фавқулодда вазиятлар вазирига тасарруфига ўтганлиги боис, касаба уюшма кўмитаси сони ошгани, энг муҳими, эса, ходимлардан тушаётган ҳар бир мурожаат иш берувчи билан ҳамкорликда қўриб чиқилгани, ишчи-ҳизматчиларга қулай меҳнат шароитлари яратиш мақсадида бошқарма биноси ва ҳудудлардаги фавқулодда қутқарув қисмларида таъмирлаш ишлари олиб борилганини таъкидлаб ўтди.

Жумладан, бошқарма тиббий пункти учун олти миллион тўққиз юз минг сўмлик дори-дармонлар олинди. 50 нафар ходимнинг Навоий ви-

лоятдаги «Нурота» зиёратгоҳига саёҳати уюштирилди.

Аънавий спорт мусобақаларида фаол қатнашган қутқарувчилар муносиб тақдирланди. Бундан ташқари, касаба уюшма кўмитаси аъзолари йил якунлари бўйича ҳам моддий рағбатлантиришди.

Ҳисобот маърузасида илғор хизматчиларни моддий рағбатлантириш кўламини янада кенгайтириш масалаларига урғу берилди.

Йиғилишда давлат муассасалари ва жамоат хизмат ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги масъул ташкилотчиси Исмаил Очиллов иштирок этди.

Акмал АБДИЕВ, «ISHONCH»

Бир овоздан маъқулланди

Навоий шаҳридаги 15-умумтаълим мактабида бошланғич касаба уюшма кўмитасининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда 2015 йилдан 2020 йилга қадар олиб борилган ишлар юзасидан ҳисобот берилди. Хусусан, ўқитувчи ва ишчи-ҳодимларга ажратилган моддий ёрдамлар, ходимларнинг саломатлигини тиклаш учун ажратилган йўланмалар ҳақида атрофича сўз юритилди.

Йиғилишда жамоа шартномасининг бажарилиши ва келгусидаги режалар хусусида ҳам фикрлашиб олинди.

Ҳисобот юзасидан бўлиб ўтган қизгин муҳокамадан сўнг кўмита таркиби ва унинг аъзолари сайланди.

Гуллола САТТОРОВА, Навоий шаҳридаги 15-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Тошкент шаҳри

Байрам шукуҳи

Тошкент шаҳри Миробод туманидаги 218-умумтаълим мактабида Хотин-қизлар кўнига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.



Унда мактаб бошланғич касаба уюшма раиси Гулмира Насриддинова тадбир асносида ҳамкасблари ва ўқувчиларни байрам билан самимий муборакбод этиб, касаба уюшмалари аёлларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш борасида амалга ошираётган ишлари ҳақида сўзлаб берди.

Мактаб ўқувчилари тайёрлаган мусиқий чиқишлар йиғилганларга бир олам қувонч ва шодлик уларди.

Гулсара ХОЛМЎМИНОВА, Пойтахтимиздаги 218-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Эътиром

Касаба уюшмалари Федерациясининг мажлислар залида Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан «Офтобларга алишмаймиз сизларни» деб номланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Гулгун чехрангизда қуёш нафаси

Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкил этган мазкур тадбирда кенгаш тасарруфида фаолият юритаётган ҳамда касаба уюшмалари тизимида кўп йиллар давомида самарали меҳнат қилган фахрий аёллар иштирок этди.

– Аёл ҳаммиса эътиборга муносибдир, – дейди меҳнат фахрийси Гавҳархон Исломова – Байрам тадбири кайфиятимизни кўтариш баробарида, меҳнат қилишга бўлган иштиёқимизни янада оширди. Биз фахрийлар ёшларга тажриба ўргатиш, маслаҳат беришга тайёримиз.

Тадбир иштирокчиларига тортиқ этилган гўзал гулдасталар ҳамда совғалар уларнинг кўнглини тодек кўтаргани, шубҳасиз.

Муқаддас РАЗЗОҚОВА, «ISHONCH»

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ЖАЛБ ҚИЛИБ, ТУМАН ҲОКИМЛИГИ ДАФ ЭТАДИМИ?

«1 СЕН БЎЛМАСАНГ, БОШҚАСИ...»
«Орадан бир мунча фурсат ўтиб, бир кун олдида бу ишга умуман алоқаси йўқ бир таниш киши ҳоким қарорини кўтариб келди, — дея ҳикоясини давом эттиради М. Қоработиrows. — Менга цех учун бириктириб берилган ер унга доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб берилди. Қарор 2019 йил 29 октябрда чиқарилган. «Мен шу қарор учун сен қилмаган ишни қилиб, 4100 АҚШ доллари сарфладим. Менга ортқачаси керак эмас, шу пулнинг ўзини берсанг, номинга ўтказиб бераман бу жойни» деди у. Шундан бери бир унинг ўзи, бир отаси келиб пул сўрайди. Мен эса вилоят ҳокимиятига, вилоят прокуратурасига, ҳатто, Президент администратсиясига шикоят қилдим. Бундан хабар топишгач, энди ерни бўшатиб қўйишимни, цехни бўзиб олиб чиқиб кетишимни талаб қилишяпти. Энг қизиғи, бу ишга ҳокимият мутасаддилари ҳам аралашиб, мени сиқувга олишмоқда...»

ҚОНУН ТАЛАБЛАРИ ВА ИЖРО ИНТИЗОМИ БУЗИЛГАН

Бу ҳикоянинг «нозиги» нуқталари борлигини қўриб турибсиз. М.Қоработиrowsнинг айтишича, унда ўша «нозик сўхбатлар»ларнинг ҳақиқат эканини тасдиқловчи асослар ҳам, гувоҳлар ҳам бор. Аммо биз уларни текшириб кўришни ҳуқуқ-тартиб органларининг ўзига қолдириб, ҳозирча ҳужжатларда акс этган қонунбузарликларга тadbиркорнинг адвокатидан изоҳ сўраймиз.

«Фуқаро Мирзохўд Қоработиrows вилоят ва туман ҳокимларининг оғзаки рағбати ва қўллаб-қувватлашига асосан кўрсатилган 20 сотх ерда цех ташкил қилишга киришган ва фаолиятини давом эттириши учун шу ерни ўзига доимий фойдаланишга ажратиб беришларини сўраб, 2019 йилнинг 8 августда Жалақудуқ тумани ҳокимлигига мурожаат қилган, — дейди Андижон шаҳридаги «Нур-зўё Фемиди» адвокатлар ҳайъати адвокати Қурбонали Тўхтаев. — Аризани туман ҳокими шу куннинг ўзида 10 кунлик муддат билан ижрога туширган. Шундан сўнг тегишли далолатнома шакллантирилиб, мутасаддиларнинг имзолари йилган. Аммо унинг ҳаракати ҳоким ўринбосарига етиб бораган жойда тўхтаб қолиб, ижро муддати ўтказиб юборилган. Яъни на асосли раб қилинган, на розилик берилиб, қарор чиқарилган. Айни вазиятда «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун талаблари қўпол равишда бузилапти. Қолаверса, фуқаро ўз мурожаати натижасини сўраб бораганда, унга аризасининг аслини қайтариб беришяпти (ҳатто, отиб юборишяпти). Қонуний рўйхатдан ўтган ва ижрога туширилган бу арза ҳозир ҳокимликда мавжуд эмас. Демак, «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруш органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»ги Вазирлар Маҳкамаси қарори талабларини ҳам бир тилинча олишмаяпти.»

Айни вазиятда қизиқ бир жиҳат эйтиборни тортади: худди шу тadbиркор томонидан сўралган ер майдони туман ҳокимининг 2019 йил 29 октябрдаги қарори билан бошқа бир фуқарога ажратиб берилмоқда. Қарордан кўринишича, у ҳокимиятга 2019 йилнинг 15 октябрда арза берган экан. Энди айтинг-чи, шу жойни сўраб 8 августда, яъни икки ой олдин мурожаат қилган фуқарога ҳали қонуний жавоб берилмасидан туриб, бошқа фуқаронинг аризаси яшин тезлигида қаноатлантирилгани қандай тушунмоқ керак? Бу қонунларни ҳам, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини ҳам очикча топташ эмасми? Табиийки, айни хатти-ҳаракатлар замирида қандайдир бошқа манфаатлар ётибдимикин, деган шубҳа-гумонлар ҳам уйғонади кишида.

ЖИНОЯТ АЛОМАТЛАРИ ЕТАРЛИЧА...

Энди тadbиркорга мансабдор шахслар томонидан турли ноқонуний шартлар қўйилиши, тadbиркорни ишлаб турган жойидан қонуний йўл билан эмас, зўравонлик билан чиқаришга ҳокимият мутасаддиларининг аралашуши масалаларига келадиган бўлса, бу ерда жиноий ҳаракат аломатлари етарлича. Шу боис, фуқаро М.Қоработиrows ўзининг тadbиркорлик фаолияти юртишига ноқонуний йўл билан, уюшган ҳолда қаршилиқ қилаётган мансабдор шахслар ва фуқароларга нисбатан тегишли чора кўрилишини сўраб 2019 йилнинг декабрь ойида турли юқори идораларга мурожаат қилган. Улар орасидан биргина Ўзбекистон Республикаси Президенти портали орқали юборилган шикоят бўйича яқинда туман прокуратурасидан жавоб хати келди. 28 февраль санаси билан юборилган жавоб хатидан маълум бўлишича, юқорида қайд этилган ер майдонини бошқа бир фуқарога ажратиб бериш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш бўйича туман ҳокимлигига протест киритилган. Бунга эса ер майдони мавжуд қонун талабларига зид равишда, жумладан, электрон савдога қўйилмасдан ажратиб берилгани асос қилиб кўрсатилган.

РУҲИЙ БОСИМ ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Ерга нисбатан бошқа бир шахсинг ҳуқуқлари бекор бўлгани М.Қоработиrowsнинг дастлабки ютуғи, албатта, — дейди адвокат Қурбонали Тўхтаев. — Аммо руҳий босим ҳамон давом этляпти. Яъни унга мансабдор шахслар аукцион орқали бўлса ҳам ер барибир ўша, кейин пайдо бўлган шахсга берилишини айтиб, пулгиса қилмоқда экан. Ростки, агар ҳеч ким индамаса, уларнинг шу ишни қила олишига ишонан-

ман (юқорида ҳикоя қилинган воқеликлар олдида буниси ҳолва). Шу боис, биз ҳокимият мансабдор шахслари томонидан қонунбузилишлар ва жиноий ҳаракатлар давом этишининг олдини олишда амалий ёрдам сўраб юқори инстанциялар ва ҳуқуқ-тартиб идораларига мурожаат қилаямиз. Жумладан, фуқаронинг тadbиркорлик қилиш учун олиб бораётган сўб-ҳаракатларига тўсқинлик қилган ва босим ўтказган мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий охи бериш ҳамда уларга нисбатан жиноий иш бошчи ҳам дахлдор идоралардан сўраймиз.»

ДЕПАРТАМЕНТДАН МАСЪУЛИЯТ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ

Шу ўринда бир мулоҳаза. Туман прокуратурасидан келган жавобда ёзилишича, мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан айтилган ҳолатлар «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги ИЖҚК Департаменти туман бўлими томонидан ўрганилганда ўз тасдиғини топмаган». Арзгўйнинг ҳуқуқшунос эса мазкур «ўрганиш»ни юзаси ўтказилган, деб ҳисобламақда. Нега?

Бир фуқаронинг ер ажратиш тўғрисидаги аризаси қонун талабларини бузиб бўлса-да, жавобсиз қолдирилгани ҳолда бошқа бир фуқаронинг икки ой кейинги худди шундай аризаси зудлик билан ва қонунларни бузиб бўлса-да, қаноатлантирилса, шунинг ўзи бир ерда қандайдир яширин манфаатлар борлигини кўрсатмайдими?

«Ноқонуний йўл билан ер ажратиб берилган» деб топилган фуқарога туманининг бошқа худудларидан ҳам бошқа ерлар ажратиб берилгани ҳақида бизда етарлича маълумотлар бор, — дейди Қурбонали Тўхтаев. — Бу эса мазкур фуқаронинг ер олишининг «қаловини топган» шахслигига ёки қайси бир ваколатли мансабдорга ҳамтовоқ эканига ишора қилади. Бундан ташқари, мазкур ҳоким қарори чиққан пайтда Қирғизистонда 500 миң АҚШ доллари миқдорда мева-сабзавот экспорт қилиб берилгани ҳақидаги гапларнинг қанчалик асосли экани текшириб кўрилса ҳам, кўн нарса ойдинлашади. Юқорида номи қайд этилган Департамент «ўрганиш» пайтида шуларни ҳам инобатга олиб, масалала жиддийроқ ёндашиши зарур эди.»

ШИКОЯТНИ ШИКОЯТ ҚИЛИНГАНГА ЮБОРИШ – МАНТИКСИЗЛИК

Яна бир гап. Юқорида айтилди, фуқаро М.Қоработиrows Жалақудуқ тумани мутасаддилари томонидан ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинаётгани ва босим ўтказилаётгани тўғрисида 2019 йилнинг декабрь ойида вилоят ҳокимлиги ҳамда прокуратурасига ёзган шикоятларига ҳалигача жавоб келган эмас. Жумладан, вилоят ҳокимлигига ёзилган хат жорий йилнинг 31 январь кунни Жалақудуқ тумани ҳокимлигига юборилган, аммо маҳаллий ҳокимликдан ҳанузгача сас-садо чиқмаяпти. «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун талабларига зид бундай хатти-ҳаракат давлат ҳокимияти органларининг фуқаро тақдирига бефарқлиги ва унинг ҳақ-ҳуқуқларини менсимаслигидир. Эеро, фуқаронинг шикоятини ўрганишни ўша шикоят қилинаётганининг ўзига юборишдек чиркин усулдан воз кечилмас экан, ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидаги ҳаракатларимиз фақат орзу бўлиб қолаверади.

ЮТУҚ БИРИНЧИ РАҲБАРДАН БОШҚАГА КЕРАК ЭМАС... (МИ)?

Кўпинча бирон худудда ютуқларга эришилиши ва муаммолар бўлмаслигидан асосан биринчи раҳбар ҳамда кам сонли ҳалол, виджонли ходимларгина манфаатдор бўлади. Биз бугун тилга олаётган муаммо ҳам шунга ерқин бир мисол. Яъни вилоят ва туман ҳокимлари томонидан қўллаб-қувватланиб, рағбатлантирилган бўлажак тadbиркорга бошқа мансабдорлар томонидан сунъий тўсик қўйилиб, қаршилиқ кўрсатилган. Ўзларининг бундай хатти-ҳаракатларини яшириш учун бу фуқаронинг биринчи раҳбар олдида киришига ҳам йўл беришмайди. Ёзган шикоятлари эса биринчи раҳбарга е киритилмайди, ёки ижроси юзасидан нотўғри маълумот берилиб, раҳбар чалғитилади.

«М.Қоработиrows давлат тadbиркорларни қўллаб-қувватлаётганидан руҳланиб, тинимсиз ҳаракатда, — дея тасдиқлайди ҳуқуқшунос. — Ҳатто ўзига ажратилишини сўраган ер майдони атрофидаги биноларда аҳоли етиштирган мева маҳсулотларини сақлайдиган 120 тонналик музлатгич ташкил этишга ҳам киришган. Ҳозир музлатгич даярли 80 фоизга тайёр. Яна қатор корхоналар ташкил этиш борасида ҳам аниқ режалари бор. Бирок тadbиркорнинг мурожаатига мутасаддилар билдираётган айрича муносабат ишнинг белгисиз тепапти, халос. Шу сабаб ҳам муаммони матбуот орқали кўтаришга қарор қилдик. Бизнингча, ҳолатни биринчи раҳбарларга етказишнинг шундан бошқа йўли қолмаган.»

Ҳуқуқшунос аралашуви билан ҳам қонуний нуқта қўйилмаган мурожаат давлат идораларида ҳамон тўрачилик кайфияти кезиб юрганини, «Давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак!» деган тамойилни ҳали-ҳануз ҳазм қила олмаётган амалдорлар борлигини кўрсатиб турибди. Кўйи погонларда чувалаша-чувалаша пойтахтга етиб келган муаммо юзасидан вилоят ҳокими сўнгги сўзни айтиши керак!

Нурилло НУЪМОМОВ,
«Ishonch» мухбири,
Нурбек ТОШНИЁЗОВ,
«Адвокат» журнали бош муҳаррири

Эълон
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5886-сонли фармони ижроси юзасидан қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламларини замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш мақсадида:

«ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2020 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдоларини эълон қилади
№ 2020-04

Тендер савдолари эълон қилинган сана: 2020 йил 12 март Тендер тақлифларини тақдим этиш учун охириги муддат: Эълон чоп этилган санадан 30 кундан сўнг

Қишлоқ жойларда қуриладиган янгиланган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар типлари.
1-тип: Тўрт қаватли кўп квартиралли (2, 3 хонали) уйлар;
2-тип: Беш қаватли кўп квартиралли (2, 3 хонали) уйлар;
1. Тендер иштирокчилари куйида санаб ўтиладиган ҳар бир тендер пакетлари учун муҳрланган танлов тақлифларини киритишлари мумкин.
2. «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК («Буюртмачи») ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчилари куйида келтирилган шартномалар бўйича янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун («Қурилиш ишлари») муҳрланган танлов тақлифларини киритишларини тақлиф қилади.
3. Тендер савдолари Ўзбе-

кистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ ўтказилади.
4. Тендер иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва тендер ҳужжатлари билан танишиш учун Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказларига куйида кўрсатилган манзиллар бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.
Телефон: (0 371) 241-15-37 Факс: (0 371) 241-15-26

риш худудий консалтинг марказларининг тегишли бўлимлари банк ҳисобрақамларига ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатлари учун кейинчалик қайтариб берилмайдиган БҲМ (базавий ҳисоблаш миқдори)га тенг.
Банк ҳисобрақами реквизитлари куйида келтирилган:

Банк: «Азия Альянс банк»нинг Олмазор филиали
СТИР: 300 017 720; МФО: 01102
Ҳ/р: 2021 0000 5045 4602 7001

Тендер ҳужжатлари куйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:
Юқорида кўрсатиб ўтилган худудий консалтинг марказларига.
Тақлифларни тақдим этиш сўнгги муддатгача: Шартномалар рўйхатида кўрсатиб ўтилган вақтгача.
Тендер ҳужжатларида кўрсатилган тартибда декларация тақдим этиш.
Тендер тақлифларининг очилиши тақлифлар тақдим этишининг охириги кунда тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокида куйида келтирилган манзилда ўтказилади:

Тошкент вилояти ҳокимияти
Манзил: Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90-уй
Телефон: (0-371) 232-80-47 Факс: (0-371) 232-80-42

Қўшимча маълумотлар учун «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИКнинг худудий филиалларига мурожаат қилишлари мумкин.
Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар, қурилиш ташкилотлари куйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

Уй типлари	Бир дона уй (квартира) учун талаб этилади:				
	Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм)	Қурилиш малакаси ўхшаш ҳажм ва характердаги шартнома (сўм)	Сўнгги бир йил давомида бажарилган ер ишлари ҳажми м³	Сўнгги 3 йилда бажарилган бетон ишлари м³	Сўнгги 3 йилда қуриб битирилган уйлар майдони м²
Тўрт қаватли кўп квартиралли (2, 3 хонали) уйлар	2 600 000 000	2 200 000 000	400	700	1500
Беш қаватли кўп квартиралли (2, 2*, 3 хонали) уйлар	3 000 000 000	2 400 000 000	450	750	1800

ШАРТНОМА (ЛОТ)ЛАР РЎЙХАТИ

Лот №	Худуд	Қишлоқ аҳоли пункти номи	Квартира сони	Тўрт қаватли 2-3 хонали уйлар			Беш қаватли 2-3 хонали уйлар			Тақлифларни топшириш охириги муддати
				сони	квартира	уй рақами	сони	квартира	уй рақами	
	Тошкент вилояти		570	20	480	3	90			
223	Бекобод	Истиқлол	24	1	24	1			2020 йил 13 апрель 11:00	
224	Бекобод	Истиқлол	24	1	24	2			2020 йил 13 апрель 11:00	
225	Зангиота	Ўртаовул	24	1	24	1			2020 йил 13 апрель 11:00	
226	Зангиота	Ўртаовул	24	1	24	2			2020 йил 13 апрель 11:00	
227	Зангиота	Ўртаовул	24	1	24	3			2020 йил 13 апрель 11:00	
228	Ўртачирчиқ	Уйғур	24	1	24	1			2020 йил 13 апрель 11:30	
229	Ўртачирчиқ	Уйғур	24	1	24	2			2020 йил 13 апрель 11:30	
230	Ўртачирчиқ	Уйғур	24	1	24	3			2020 йил 13 апрель 11:30	
231	Ўртачирчиқ	Уйғур	24	1	24	4			2020 йил 13 апрель 11:30	
232	Янгийўл	Гулбаҳор	24	1	24	1			2020 йил 13 апрель 12:00	
233	Янгийўл	Гулбаҳор	24	1	24	2			2020 йил 13 апрель 12:00	
234	Янгийўл	Аҳил	24	1	24	3			2020 йил 13 апрель 12:00	
235	Янгийўл	Аҳил	24	1	24	4			2020 йил 13 апрель 12:00	
236	Куйичирчиқ	Ибрат	24	1	24	1			2020 йил 13 апрель 12:30	
237	Куйичирчиқ	Ибрат	24	1	24	2			2020 йил 13 апрель 12:30	
238	Куйичирчиқ	Ибрат	24	1	24	3			2020 йил 13 апрель 12:30	
239	Куйичирчиқ	Ибрат	24	1	24	4			2020 йил 13 апрель 12:30	
240	Янгийўл	Бахт	24	1	24	1			2020 йил 13 апрель 14:00	
241	Янгийўл	Бахт	24	1	24	2			2020 йил 13 апрель 14:00	
242	Янгийўл	Бахт	24	1	24	3			2020 йил 13 апрель 14:00	
243-в	Чирчиқ шаҳри	Амир Темура кўчаси	30			1	30	1	2020 йил 13 апрель 14:30	
244-в	Чирчиқ шаҳри	Амир Темура кўчаси	30			1	30	2	2020 йил 13 апрель 14:30	
245-в	Чирчиқ шаҳри	Амир Темура кўчаси	30			1	30	3	2020 йил 13 апрель 14:30	

«Қишлоқ қурилиш инвест» масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси маълум қилади:
«Ishonch» газетасининг 2020 йил 16 январдаги №10-11 (4296) сонида «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ инжиниринг компанияси томонидан берилган эълондаги 2020 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан №2020-01 сонли Тошкент вилоятида танланган массивлар учун тендер савдолари пудрат ташкилотлари томонидан муддати қисқалиги тўғрисида билдирилган эътирозлар сабабли бекор қилинсин.

Марсия

Эй дўст...

Эл шоир Азим Суён хотирасига



Морд кетди майдондан, мордон ҳам кетди, Кўлингдан ер-ку ер, осмон ҳам кетди. Қирқ отар кўй сўйиб кутсанг ҳам қайтмас, Эй дўст, деб чорлаган инсон ҳам кетди.

Ўлмаган қул борми, кўндан айрилдик, Галма-гал сувдан ҳам, ўтдан айрилдик. Абдулла, Муҳаммад, Ҳалима каби, Эй дўст, бугун яна дўстдан айрилдик.

Топганин йўқотиб бормоқда дунё, Кунма-кун тутақиб бормоқда дунё. Қанчалар кўямасин чидаймиз, Эй дўст, На чара тутақиб бормоқда дунё.

Йироқдан, Ироқдан келиб аллаким, Кўлини оларди вазир-у ҳоким. Эй дўст, шоирни бир кўргандан сўра, Азим Суён бўлиб қолалмас ҳеч ким.

Бўлсанг, бир кўнгилнинг қуроғи бўлгин, Қуроғин лоилаган тупроғи бўлгин. Магар шоирликдан муродинг бўлса, Эй дўст, Азим Суён чироғи бўлгин.

Зўр кетди, зар кетди, зардон ҳам кетди, Ҳам яхши, ҳам ёмон, шодмон ҳам кетди. От бериб, мот бериб, кутсанг ҳам қайтмас, Эй дўст, деб имлаган инсон ҳам кетди.

Нормурод МУСОМОВ

Бу савол ўртага қўйилса, жавоблар турлиликдан гарангисиб қолиш ҳам ҳеч гап эмас. Лекин, таажжублики, бу борада кўпчилик ота-оналар асосий масъулиятни мактаб ва муаллимлар зиммасига олиши зарур, деган фикрда.

Ҳақиқатан ҳам таълим-тарбияда мактаб жамоасига катта масъулият юкланган. Бироқ шуни унутмаслигимиз керакки, бола бир кеча-кундузнинг озгина қисмини мактабда ўтказади. Демак, фарзандларимизнинг тарбияси учун мактаб бир ҳисса жавобгар бўлса, ота-оналар уч ҳисса жавобгардир.

Афсуски, кўп йиллар давомида турли ахлоқсизликлар, маънавий бузуқлик ва депрессивларнинг олдини олиш маҳалла, мактаб муаллимлари, ҳуқуқ-тартибот органлари ва шунга алоқадор ташкилотлар вазифасига қиради, деб келди. Жиноятчи ёки муттаҳам яхши биладикки, маҳалла оқ-

Тарбия учун ким масъул? Ота-онами ёки жамоатчилик?

соқоллари панд-насиҳат қилишдан нарига ўтолмайди. Мактаб ва муаллимга бутун юкни ағдариш ҳам нотўғри. Биргина профилактика инспекторининг ўзи барчасига улгуролмаслиги ҳам кундай равшан. Бунинг устига улар билан «келишиш» мумкин бўлиб, битта тушунтириш хати ва биргина кечирим сўраш билан муз жойидан кўчади ва у яна қилмишида давом этаверарди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, маънавият ва таълим-тарбия миллатнинг ҳаёт-мамот масаласи ҳисобланади. Бу икки маънавий асос қанчалик мустаҳкам бўлса, ҳар қандай иллат ва балоларни энгиб ўтиш мумкин. Шу боис, барча саъй-ҳаракатлар таълим-тарбия ва маънавиятга сафарбар этилиши зарур.

Доноқул ТОШБОЕВ, фахрий ўқитувчи

Мушоҳада



Ҳикмат

Барча кашфиётлар ичида энг гўзали яхши тарбия олган инсондир. ЭПИКТЕТ

Митти ҳикоялар

МЕҲР КЎЗДА

Улар анчадан буён юзма-юз эмас, телефонда гаплашар эди. Учрашганида синфдоши унга пайпаслашиб кўл узатди. «Тез-тез гаплашиб турар эдик-ку, сезмабман-да» деган гап ҳаелидан ўтди.

МАРКЕТОЛОГ

Шисалари бежирим газли сувлар ҳатто саратоннинг жазирасида ҳам илдам сотилмади. Директор маркетинг бўлими мутахассисларини чорлаб, роса бақир-чақир қилди. Тоғоғи қақраб олдидаги «шиша қопқоғини очди...» Сув.

ОР

«Жаҳонобод қишлоғилик Мулла Бува-нинг тўртта кўчқори дала-дала ўтлаб юриб, Тўда қишлоғига борганда йўқолиб қолибди» деган гап одамлар орасида анча юрди.

Уша кезларда тўдалик Эргаш полвонни Жаҳонободдаги тўйга айтиб кетишди. У тўйдаги курашда узок-яқиндан келган ҳамма полвонларнинг курагини ерга текказди. Олти кўчқор ва битта катта гилам соврин эгасига айланди.

Тўй тарқалгач, Эргаш полвон гиламини елкасига ташлаганича оти томон юрди. Кураш бақовули унга: «Полвон, кўйларингизни шопирлар уйингизга ташлаб ўтишад!» деди.

Полвон: «Йўқ, кўйларнинг ҳаммаси тўдада йўқолганлар ўрнига Жаҳонободда қолади» деди-да, узангига оёқ кўйди.

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ, профессор

Мулоҳаза

лумот, билим, мушоҳада ва хулоса бериш асосида маълум касбларга қизиқиш ва ҳурмат ҳам уйғотиши лозим. Турли-туман мавзу ва воқеалар, кураш ҳамда тақдирлар орқали инсон қалбида эзгуликка рағбатни кучайтирмаган, оқибатларини кўрсатиш орқали ёмонликдан қайтармаган кинолар дидимиз ва тўйғуларимизни ўтмаслаштирамоқда. Оддий ҳолатдек тасвирланаётган хиёнат саҳналари эса оила муқаддаслиги ҳақидаги қарашларимизга пугур етказмоқда.

Масалан, ўша кўпчилик севиб томоша қилган «Тундан тонггача» фильмидаги банан қидириб кетган йигитнинг ҳам нима иш қилишини билмаймиз. Аммо у ҳам қошонадек уйда яшайди. Ёки Аҳад Қаном режиссиёрлигида 2019 йилда олинган «Аёл макри» фильмида, хусусий телеканалларимиздан бирида айна кунларда узатилаётган «Қадам» сериалида ҳам касби аниқ бўлмаган қаҳрамонларга дуч келамиз.

Эҳтимол, бу унчалик муҳим эмас, дегувчилар топилар. Аммо менинг фикримча, биз нимани кўрсатсак, ўша нарсани оммалаштирган бўламиз. Кинони эса минглаб, миллионлаб одамлар, ёшлар кўради. Демак, унда касбсиз қаҳрамонлар эмас, меҳнат қилиб маълум намунага эришган инсон қиёфаси ҳамда уларнинг ҳаётига профессионал ёндашув акс этмоғи лозим.



Зебо НАМОЗОВА, «Ishonch»

Оғриқ тишлар...



Таълим, фан ва маданият ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси Таълим, фан ва маданият ходимлари қасаба уюшмаси Ургут тумани кенгаши раиси Мадина Баратовга отаси Раҳмон ота БАРАТОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдardлик билдиради.



Тўнов кун кечқурун «Юрак йиғлар» деб номланган фильмни кўрдим. Ўзимизнинг фильм. Мухаббат мавзусида. Бош ролларни Зарина Низомиддинова ва «Беном» гуруҳининг солистлари Сарвар Азимов ва Комил Фозилов ижро этишган. Фильм бош қаҳрамони талаба қиз. Одатдагидек, яъни, барча киноларимиздагидек бой оиланинг фарзанди.

Киз-ку маълум – талаба. Аммо мени ҳайратлантгани – унинг «ошиқлари». Улар икки нафар. Бирининг (у қизнинг муҳаббатини қозонолмади) касби номаълум. Фильмда унинг баъзида кўчада, баъзида кафедра ёки супермаркетда юргани кўринади. Яна бир саҳнада эса безори йигитлар билан ёқалашгани. Аммо у қиммат машиналарда,

дангиллама уйда яшайди. Иккинчи йигитнинг эса (у кинода қизнинг севгилиси ролини ўйнаган) хорижда ўқиб келгани ҳақида фильмнинг бир сюжетидан айтиб ўтилса-да, ким бўлиб, ёки қаерда ишлаши маълум эмас. Одатда, фильмда ижобий ва салбий ёки мураккаб характердаги бир-бирига қарши қаҳрамонлар бўлади. Аммо ижобий қаҳрамон сифатида номовён бўлган йигит ҳам аниқ фазилатлари ёки хатти-ҳаракатлари билан тўлақонли «ижобий қаҳрамон» сифатида «очилмаган». Томошабин назарида у ўртамеъна қаҳрамон бўлиб қолган. Қолаверса, фильмдаги бирорта қаҳрамоннинг касбини билолмаймиз. Худдики улар бекорчидек... Оддий томошабин сифатида айтмоқчиманки, касбсиз ва қиладиган ишининг

тайини йўқ бундай қаҳрамонлар орқали ёшларимизга кимни намуна қилиб кўрсатяпмиз? Томошабин улардан нима олмоқда? Қимматбаҳо машинада юрган йигит ўз-ўзидан шу даражага етмаганини, унинг бирор касб-кори ёки ҳунари борлигини ҳам кўрсатиш керак эмасми? Жамиятимиз фақатгина бекорчи, кўча йигитлари-ю, бойвачча хонадон фарзандларининг севги воқеаларидан иборат эмас-ку? Бундан ташқари, кино инсонга маъ-

Орзуғул РУСТАМОВА, «Ishonch»

Наманган вилояти

Бекатда ким... тўғрироғи, нималар бор?..

Этибор билан қарасангиз, Наманган шаҳридаги бекатларга ажратилган ер майдонининг тенг ярмини, ҳатто, ундан кўпини кичик дўконлар эгаллаб олганига гувоҳ бўласиз. Бу қайсидир маънода йўловчиларга ноқулайликлар келтириб чиқармоқда. Гоҳида дўкондорларнинг бекатларга тегишли ҳудудни ҳам қўлфлаб қўйишаётгани эса кўпчиликда ўринли эътироз уйғотмоқда.

Бекат, аслида, йўловчиларга хизмат қилиши керак. Аммо амалда улар сотувчиларга «хизмат қилмоқда». Айтиқса, бозор ва мактаблар яқинида жойлашган аксарият бекатларда ўриндиқлар бор-йўғи битта, айримларида эса умуман йўқ. Устига устак, дўкондорлар маҳсулотларини ойнаванд бекатнинг ҳар томонига тартибсиз равишда териб ташлашгани йўловчиларнинг ўтиб-қайтишига ноқулайликлар туғдирмоқда. Бекатларга туташ равишда дўконлар қуриш ўринлими, нега одамларга ажратилган ўриндиқлар ўрнига сотувчилар ўзларининг буюмларини қўймоқда? Ушбу саволларга жавоб излаб «Дўстлик» буюм бозори бекати сотувчиси Нозимжон Турсунбоевга мурожаат қилганимизда, маҳсулоти кўплиги туфайли дўкондан ташқарига ҳам буюмларини қўйишга мажбур бўлаётганини маълум қилди. Шаҳардаги бекатлар муаммосини ўр-



МУАССИС: O'zbekiston kasaba uyushmalarini Federatsiyasi. 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир хайъати:

- Қудратилла РАФИҚОВ (таҳрир хайъати раиси), Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Қутлимурот СОБИРОВ, Сухроб РАФИҚОВ, Шокосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМКЎЛОВ, Нодира КАРИМОВА, Анвар ҚЎЛМУРОДОВ, (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Темур МАМАЖОНОВ, (Бош муҳаррир ўринбосари-«Ishonch-Доверие» бўйича), Меҳридин ШУКУРОВ, (Масъул котиб - «Ishonch»), Валентина МАРЦЕНЯК (Масъул котиб - «Ishonch-Доверие»)

- Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ
- Бўлимлар: Қасаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69 Ҳуқуқ ва халқро ҳаёт – (71) 256-52-89 Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79 Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43 Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

- Ҳудудлардаги муҳбирлар: Қарақалпоғiston Республикаси – (+998-99) 889-90-22 Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23 Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31 Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34 Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02 Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28 Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44 Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26 Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32 Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24 Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01 Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтани назардан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир: А. Абдураҳмонов Мусаҳҳилар: С. Шодиева, З. Холмухаммедова, Д. Орипов Саҳифаловчи: Ҳ. Абдужалилов

ЎА яқини – 23:30 Топшириди – 00:00

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ, Буюртма Г – 317. 30729 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

Манзилимиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали, банк ҳоми: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130